

АОДК ДКЯТНИНГ таркибий қисми ҳисобланади  
ва Ўзбекистон Республикасининг барча  
худудидаги алоқа объектларини ҳисобга олиш  
ва баҳолаш мақсадида юритилади.

## **Қуидагилар АОДК объектлари хисобланади:**

1. халқаро, шаҳарлараро, вилоят ва туман аҳамиятига эга бўлган телефон-телеграф станциялари, шу жумладан турғун алоқа асбоб-ускуналари ва магистрал линиялари;
2. алоқанинг тармоқ узеллари;
3. шаҳар алоқа телефон узеллари, станциялари ва линия иншоотлари;
4. туман телекоммуникация узеллари, шу жумладан станция асбоб-ускуналари, ҳудудий ва қишлоқ линия иншоотлари;
5. алоқа радиореле линиялари станция ва иншоотлари;
6. йўлдошли алоқа станциялари;
7. қабул қилиш — узатиш радиостанциялари;
8. кўчма объектларга эга бўлган қуруқликдаги радиоалоқа станциялари (шахсан радиочақирав, радиал тизимлар, уяли телефонлар);
9. радиотелевизион станциялар ва рентрансляторлар;
10. симли эшиитириш станциялари ва тармоклари;
11. почта ва маҳсус алоқа объектлари.

## **Куйидагилар АОДКни юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча алоқа объектларини қамраб олиш;
2. макон координатлари ягона тизимини ва ягона топографик асосни қўлланиш;
3. барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;
4. кадастр ахборотларининг ишончлилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;
5. кадастр ахборотларининг очиқлиги.

АОДКни юритиш бўйича ишларни  
мувоғиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш  
вазирлигининг АОДК хизмати томонидан  
амалга оширилади.

- ЭОДК джиятнинг таркибий қисми ҳисобланади ва энергетика объектларини ҳисобга олиш ва баҳолаш мақсадида юритилади.
- Фаолият кўрсатаётган ва қурилаётган гидравлик ҳамда иссиқлик электр станциялари, ўз ичига ёрдамчи станцияларни оладиган электр тармоқлари, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси таркибида жамланган ҳаво ва кабель линиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, технологик жараённинг яхлитлиги воситасида энергия тизими билан боғланган бошқа энергия объектлари ЭОДК объектлари ҳисобланади.
- «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ЭОДКни юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

## **Қуидагилар ЭОДКни юритишининг асосий принциплари ҳисобланади:**

- Ўзбекистон Республикаси энергетика объектларини тўлиқ қамраб олиш;
- макон координаталарининг ягона тизимини ва ягона топографик асосни қўлланиш;
- барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;
- кадастр ахборотларининг ишончлилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;
- кадастр ахборотларининг очиқлиги